O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ...
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2002 йил 24 декабрь, №278 (3106) Сешанба

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг*

*ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги Давлат бюджети тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган, Олий Мажлис депутатларининг муҳокама мобайнида билдирган таклиф ва мулоҳазалари ҳисобга олинган ҳолда маромига етказилган Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги Давлат бюджети бюджет тақчиллигининг энг юқори даражаси ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 2,0 фоиз миқдорида белгиланган ҳолда маъқуллансин.

Пул қадрсизланишига тааллуқли бўлмаган молиялаштириш манбалари Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш манбалари деб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ( Ў. Султонов):

иқтисодиётнинг барқарор ва изчил ривожланишини, қатъий пул-кредит сиёсати ўтказилишини, пул маблағларининг банкдан ташқари айланиши қисқартирилишини, миллий валютанинг янада мустаҳкамланишини, ижтимоий дастурлар устувор тарзда молиялаштирилишини, бюджет маблағлари иқтисод қилинишини таъминласин;

кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг ялпи ички маҳсулотни шакллантириш ҳамда ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари билан тўлдиришдаги ролини кучайтириш учун бундай товарларнинг рақобатбардошлилигига алоҳида эътибор қаратган ҳолда қўшимча омиллар яратсин;

Давлат бюджети тақчиллигини пул қадрсизланишига тааллуқли бўлмаган манбалар ҳисобидан, шу жумладан, хусусийлаштиришдан тушадиган тушумлар, давлат мақсадли жамғармаларининг қолдиқ маблағлари, республика бюджетининг қолдиқ маблағлари ва ташқи қарзлар ҳисобидан молиялаштирсин;

йилнинг ҳар чораги бўйича мўлжаллаб қўйилган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилиши ҳамда Давлат бюджети ижроси таҳлили натижалари асосида Давлат бюджетининг кўрсаткичларига Давлат бюджети тақчиллигининг белгиланган доирасида, заруратга қараб, аниқлик киритиб борсин.

3. Давлат бюджетининг 2003 йил 1 январгача бўлган ҳолатдаги тақчиллигини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки берган кредитлар Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ички қарзига ўтказилиб, 2007 йилдан бошлаб 10 йил мобайнида тенг улушларда ундирилсин.

4. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бюджетга тўловлар тўлиқ тушишини, харажатлар маҳаллий бюджетлардан ўз вақтида молиялаштирилишини таъминласинлар ва бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан самарали назорат ўрнатсинлар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси** **Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 12 декабрь..



## Кредит — ишлаб чиқаришга

*Сайҳунобод туманидаги «Оқолтиндон» ҳиссадорлик жамияти банкдан 100 миллион сўм кредит олган эди. Бу маблағ асосан ун ишлаб чиқарадиган замонавий технологияларни харид қилиш ва уларни корхонада ўрнатишга йўналтирилди. Натижада маҳсулот сифати яхшиланиб, уни замон талабига мос равишда истеъмолчига етказиб бериш йўлга қўйилди.*

*Айни пайтда бу ерда Италиянинг «Умаффни» фирмаси билан ҳамкорликда қўшма корхона очиш лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.*

**СУРАТДА: ишчи Олим Аҳмедов.**

**Илҳом ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

Сумимиз қадри – бизнинг қадримиз

## Инфляцияни жиловлаш — миллий валюта барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили

*Мамлакатимизда макроиқтисодиётнинг барқарорлиги амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларнинг самарасига боғлиқ. Бинобарин, республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмининг кенгайиши, қўшимча иш ўринларининг яратилиши ва аҳоли реал даромадларининг ўсиши, аввалambор, макроиқтисодий барқарорликни тақозо этади. Шу боис макроиқтисодий барқарорликнинг асосий кўрсаткичларидан ҳисобланган инфляцияни пасайтириш ҳамда миллий валютанинг қудратини таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси ҳисобланади.*

*Республика Марказий банки ҳузуридаги Пул-кредит сиёсати марказининг раҳбари К.ТОЛИПОВ билан шу хусусда суҳбатлашдик.*

**— Камолиддин Фахриддинович, одатда йил ва чорак якунларига бағишланган ҳукумат йиғилишларида «Пул-кредит сиёсати соҳасида пул ҳажмининг ўсишини назорат қилувчи самарали механизм ишлаб чиқилди ва у инфляцияни жиловлашда кучли омил бўлиб хизмат қилди» деган сўзларни кўп учратамиз. Бунинг мазмун-моҳияти нима?**

— Аввалambор, шуни айтиб ўтиш лозимки, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга биноан, ушбу банк фаолиятининг асосий вазифаси миллий валютамиз — сўмнинг барқарорлигини таъминлашдан иборат. Шу мақсадда Марказий банк ҳар йилнинг сўнгги чорагида ҳукуматимизнинг макроиқтисодий ва бюджет-солиқ сиёсати билан узвий боғлиқ ҳолда келгуси йилга мўлжалланган «Пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари»ни ишлаб чиқади. Ушбу дастурда пул-кредит сиёсатининг янги йилдаги асосий вазифалари, параметрлари, шунингдек, инфляциянинг мўлжалдаги мақсадли кўрсаткичи белгиланади. Йил давомида эса у мазкур дастурда белгиланган асосий йўналишлар ва кўрсаткичларга мувофиқ, пул-кредит сиёсатини юритади.

Маълумки, пул-кредит сиёсатининг асосий кўрсаткичларидан бири — бу иқтисодиётдаги пул массаси ҳажмидир. Шунинг учун ҳам пул ҳажмининг ўсишини назорат қилувчи самарали механизмни ишлаб чиқишга катта эътибор берилади. Пул ҳажмини иқтисодиётнинг сўмга бўлган талабига мос ҳолда тартибга солиш аслида ана шу механизмнинг муҳим шартидир.

Бу муомалада ортиқча пул пайдо бўлишининг олдини олиш, охир-оқибатда инфляцияга йўл қўймаслик учун имконият яратади.

Шу билан бирга, Марказий банк пул ҳажмини тартибга солишда иқтисодиётда тўлов воситаларининг етишмаслигига йўл қўймаслик чораларини кўради. Бу ўз навбатида товар ва хизматларни сотишдаги қийинчиликлар ва иқтисодиётдаги шу билан боғлиқ бошқа салбий оқибатларнинг олдини олади. Зеро, товар ва хизматлар миқдорининг ўсиши пировардида уларга хизмат қиладиган пул ҳажмининг ўсишини талаб қилади. Шу боис пул ҳажмининг ўсиши миллий маҳсулотнинг ўсишига мувофиқ равишда олиб борилади. Айни шу нарса мамлакатдаги пул муомаласи тизимининг соғлом фаолият кўрсатишини таъминловчи омиллардан бири ҳисобланади.

**—Якуний ҳисоботларда, шунингдек, «Ўтган давр ичида ўртача ойлик инфляция кўрсаткичи фалон фоизни ташкил этди, эмиссион натижалар бўйича эса шунча сўм иқтисод қилинди» деган жумлаларни ҳам ўқиб қоламиз. Бунда нималар назарда тутилади?**

(Давоми 2-бетда).

## «Чорвоқ оромгоҳи» чорлайди

Тошкент вилоятининг хушманзара Бўстонлиқ туманида "Чорвоқ оромгоҳи" соғломлаштириш марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов юртимизда табиат бойликларини асраб-авайлаш ҳамда юртдошларимиз соғлиғини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бир йил муқаддам Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан айнан мана шу жойда халқаро талабларга жавоб берадиган соғломлаштириш марказини бунёд этиш ишлари бошлаб юборилгани бунинг ёрқин исботидир.

2001 йил сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг Чимён-Чорвоқ курорт ҳудудининг табиий бойликларини асраш ва бу ерда соғломлаштириш, дам олиш тизимини ривожлантиришга қаратилган қарори қабул қилинган эди. Чимён-Чорвоқ минтақаси ўзининг қулай иқлим шароитига кўра курорт ва дам олиш мақсадлари учун махсус муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар сирасига киритилган. Қарорда кўзда тутилганидек, Ғазалкент-Чорвоқ-Бақачўл магистрал канализация коллектори, оқова сувлар учун насос станцияларининг қурилиши, Чирчиқ тозалаш иншоотининг кенгайтирилиши ушбу хушманзара маскан ҳудуди ва табиатининг мусаффолигини таъминлашда ўзига хос омил саналади.

(Давоми 2-бетда).

## Коммунал хизмат сифатли бўлсин

Кеча халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишини вилоят ҳокими У.Ямanқулов бошқарди. Сессияда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда вилоят корхона ташкилотлари томонидан бажарилиши ҳақидаги масалани муҳокама этдилар.

Таъкидландики, коммунал хизмат ҳудудий бирлашмаси тизимидаги корхона ва ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатилаётган 1032 та кўп қаватли уй-жойлар негизида 133 та мулкдорлар ширкати ташкил этилган. Ҳозиргача 127 ширкатнинг банкларда ҳисоб рақамлари очилди.

Аммо ҳамма ерда ҳам аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш унинг сифатини яхшилашга эътибор яхши деб бўлмайди. Айрим туманларда, жумладан Мирзачўл, Зарбдор, Даштободда маҳаллий ҳокимликлар томонидан ширкатларга етарли даражада амалий ёрдам кўрсатилмаётганлиги танқид остига олинди.

Шу билан бирга сессияда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари (Омбудсман)нинг вилоят бўйича вакилининг жорий йилдаги фаолияти ҳамда вилоят Кенгашининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари доимий комиссияси ахборотлари тингланди.

Сессияда кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

2003 йил – Обод маҳалла йили

*Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, айнан тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, қут-барака ҳукмрон бўлган жойларни тасаввур қилади.*

**Ислом КАРИМОВ**

## АЁЛЛАРНИНГ ОҚИЛАЛИГИГА ИШОНИНГ

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан 2003 йил Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши маҳаллаларнинг иқтисодий, ҳуқуқий мавқеини янада юксалтириши билан бирга, зиммасига ўта масъулиятли вазифалар ҳам юклайди. Бу борада Президентимизнинг "Обод маҳалла йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисидаги Фармойиши муҳим аҳамият касб этади. Республика Хотин-қизлар қўмитасининг кенгайтирилган бошқарув йиғилишида шу ҳақда гап борди.

Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова бошқарган мазкур йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар хотин-қизлар қўмиталари мутасаддилари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда улкан тарбиявий вазифани бажаради. Унда кексаларнинг

(Давоми 2-бетда).

Тадбир

## Гимназия грант соҳиби

Яқинда пойтахтимизнинг Чилонзор тумани халқ таълими бўлимига қарашли 178-мактаб-гимназияда ўзига хос байрам бўлиб ўтди. Гап шундаки, туманда ўқитиш тизимининг сифати, малакали мураббийларнинг кўплиги билан ажралиб турувчи ушбу ўқув муассасаси 2001 йилда гимназия мақомини олгач, жорий йилнинг март ойида Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси грантига лойиқ деб топилганди. Ушбу грантнинг тақдимот маросими эса юқорида таъкидланганидек, тантанага айланиб кетди.

— Биз шаҳрингизда ўқитиш тизими сифатли бўлган бундай мактабларнинг кўплигидан хабардормиз ва уларни ҳам келгусида имкон борича қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламиз, — деди элчи Акио Кавато жаноблари тақдимот маросимида.

— Бу совғалар юртимизда таълим соҳасига кўрсатилаётган эътиборнинг яна бир исботидир, — деди 178-мактаб-гимназия директори Дилором опа Ҳамидова биз билан суҳбатда. — Умумий қиймати 53 минг АҚШ долларига тенг бўлган грант таркибида компьютер, аудио-техник ускуналар, стол-стул ва бугунги ўқув даргоҳлари учун зарур жиҳозлар борки, улар ўқувчиларимизнинг билим доираларини кенгайтиришлари учун қулай имконият яратади.

Иштирокчилар тадбир давомида гимназиянинг ўқув хоналарини айланиб, компьютер ва бошқа ускуналарнинг қай тариқа жойлаштирилганлиги билан ҳам қизиқдилар.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Сўнгги хабарлар

## Янги аср муаллими

У қандай бўлиши керак? Нукус педагогика коллежида ўтказилган анжуманда ана шу муҳим саволга жавоб берилди. Маърузаларда таълим жараёнида ахборот технологиясидан самарали фойдаланиш, Кадрларни тайёрлаш миллий дастуридаги долзарб йўналишларда иш олиб бориш, педагогларни тайёрлаш савиясини янада ошириш ҳақида сўз борди. Айниқса, кўп йиллик педагогик тажрибага эга бўлган Ўзбекистон Қаҳрамони Алланиёз Ўтениёзовнинг фикрлари барчага маъқул бўлди.

Анжуманда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Б. Султонов сўзга чиқди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.**

## Табиий ипакдан тиббиёт ипи

Тошлоқ туманидаги "Сада" кўп тармоқли фирмасида жаҳон андозаларига жавоб берадиган тиббиёт жарроҳлигида қўлланиладиган ноёб иплар чиқарила бошланди. Бундай иплар яқин-яқинга қадар хорижий давлатлардан харид қилинар эди.

Маълумки, жарроҳликда ишлатиладиган иплар асосан чорва ҳайвонларининг ичакларидан тайёрланар эди. Мазкур хусусий фирмада эса маҳаллий хомашё – табиий ипакка қўшимча ишлов берилиб, жарроҳликда ишлатиладиган иплар тайёрлана бошланди. "Сада"да ишлаб чиқарилаётган бу ноёб маҳсулотга мамлакатимиздаги етакчи жарроҳлик марказларида юқори баҳо берилди. Синов-текширув ишлари эса, маҳсулотнинг жаҳон андозаларига тўла мос келишини исботлади.

Ҳозирда ушбу корхонада 50 нафардан зиёд қишлоқ ёшлари меҳнат қилишаётир.

**Набижон СОБИР.**

## «Тико» минган деҳқонлар

2002 йил сариосиёлик деҳқонлар учун баракали ва зафарли келди. Улар пахтачиликда ҳам, ғаллачиликда ҳам катта муваффақиятларга эришдилар. Деҳқонларнинг меҳнатлари туманда бўлиб ўтган "Ҳосил байрами" да муносиб тақдирланди. Ғалла ва пахта топшириш режасини ошиғи билан бажарган хўжаликларга биттадан "Тико", илғор раҳбарларга ҳам "Тико" ва "ВАЗ-2107" русумли автомобиллар мукофот тариқасида берилди. Ўн икки нафар деҳқон "Тико", ўнлаб ғаллакор ва пахтакорлар рангли телевизор ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан уйларига қайтишди.

**«Туркистон-пресс»**

Журналист суриштируви

## «РАИС ТАЙИНЛАШ» ЎЙИНИ

### Дебоча ёхуд мавзуга қайта назар

***Дарвоқе, шундоқ: бу ҳақда аввал ҳам ёзгандик. Ноҳақликка учраган раис ўз ўрнига тикланади, бошлаб қўйган ишларини бемалол давом эттиради, деб ўйлагандик. Минг афсуски, чучварани хом санаган эканмиз. Сув бошидан лойқаланганини, «арбоб билан ўйнашиш, шамол билан муштлашиш» бефойдалигини билмаган эканмиз. Ана, оқибати — ҳаммаси бекор кетди. Казолар томонидан қонунга бўйсунмаслик, инсон қадр-қимматини менсимаслик одатдагидек давом этди. Шу боис бугун мавзуга қайтишга мажбур бўлдик. Биринчи навбатда, воқеа тафсилотини эслатишни лозим топдик. Марҳамат, қулоқ тутинг!***

...1999 йилнинг айни кузида Узунда ажабтовур бир суд бўлади. Жўрақул Эшмирзаев номидаги хўжалик масъулларидан етти нафари бирваракайига жиноий жазога тортилди. Хусусан, жамоа бошқаруви раиси Тошпўлат Тошев уч ҳолатда бир нечта қўйни ўзлаштирганликда ҳамда хизмат вазифасига

(Давоми 2-бетда).

## Тарбия ва ибрат ўчоғи

Ўзбекистон мусулмонлари идорасида 2003 йилнинг мамлакатимизда "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши муносабати билан мазкур йўналишда дин арбоблари олдида турган вазифаларни белгилаб олиш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идораси уламолар кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилояти масжидлари имом-хатиблари, диний таълим муассасалари мудирлари ҳамда Дин ишлари бўйича қўмита ходимлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Мажлисда муфтий Абдурашид қори Баҳромов бугунги кунда маҳалла маърифий-маънавий тамойилларга эга бўлган маскан, улкан тарбия ва ибрат ўчоғи экани ҳақида гапириб, бу йўналишда амалга оширилаётган ишларга масжид имомлари, дин уламолари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда ислом дини кишиларни бир-бирига меҳру оқибатли бўлишга, инсонлар ўртасида ўзаро иззат-ҳурмат кўрсатишга ундаши, бу хислатлардан маҳаллаларни обод қилишдаги ҳамжиҳатлик, унинг аъзолари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашда фойдаланиш зарурлиги уқтириб ўтилди.

Имом-хатиблар, уламолар тўй-йиғинлар, диний маросим ва маъракалар ҳақида Президентимиз томонидан билдирилган фикрларни қўллаб-қувватладилар. Тадбирларни дабдабали ўтказиш, ортиқча сарф-харажатлар қилиб, исрофгарчиликларга йўл қўйиш ислом дини арконларига мутлақо зид эканлигини таъкидлаб, бу каби бидъат ва иллатларни бартараф этиш ҳар бир мусулмоннинг бурчи бўлиши кераклигини баён этдилар.

Йиғилишда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида соҳа бўйича бажариладиган режа ва вазифалар белгилаб олинди.

**(ЎзА).**

Солиқлар – давлат таянчи

*Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари давлат солиқ органлари фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Буни кундалик иш фаолиятимизда аниқ-равшан ҳис этиб турибмиз. Айни чоғда қабул қилинаётган ҳужжатлар асосида тизимда солиққа тортишнинг жаҳон андозаларига мос замонавий услубларини қўллаш имкониятлари яратилмоқда. Республика Президентининг 2002 йил 5 сентябрдаги "Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.*

# Аҳоли даромадларини декларациялаш

## *жараёни босқичма-босқич амалга оширилади*

Ушбу Фармон асосида солиқ идоралари зиммасига жисмоний шахсларнинг умумий даромадларини 2003 йил 1 январдан 2005 йил охиригача босқичма-босқич декларациялаш тизимини жорий этиш вазифаси юклатилди. Янги тизимнинг жорий этилиши туфайли хуфиёна иқтисодиёт, пул маблағларининг ноқонуний айланиши, шунингдек, иқтисодиёт соҳасидаги бошқа жиноятларга қарши курашишда таъсирчан чораларни қўллаш имкони яратилади ҳамда фуқароларнинг даромадларини декларациялаш чоғида даромадларни нотўғри кўрсатиш, декларацияларни ўз вақтида тақдим этмаганлик учун кўриладиган иқтисодий жазо чораларининг қатъийлиги ва муқаррарлиги таъминланади.

Ривожланган давлатларда фуқаролар даромадини декларациялаш тизими ижобий самаралар бераётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу тизим бизда ҳам олинган даромадларни турли йўллар билан яширишга ҳаракат қилувчи, катта қийматга эга бўлган мулк ва воситаларни харид қилиб, бошқа кишилар номига расмийлаштирувчи, оқибатда давлат олдидаги фуқаролик мажбуриятларини адо этишдан ва солиқ тўлашдан қасддан бўйин товловчи кимсаларга нисбатан қаттиқ зарба беришига ишонамиз.

Декларациялаш тизимининг жорий этилиши билан солиқ идораларида ҳар бир фуқаронинг даромади тўғрисида маълумотлар базаси шаклланади. Пировардида фуқаролар даромадининг қанчалик қонуний йўллар билан олинишини назорат қилувчи механизм яратилади. Янги тизим айни пайтда фуқароларнинг конституциявий ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи воситага айланади. У даромадлар ва мол-мулк миқдори тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор этилишига, фуқароларнинг шахсий турмушига аралашишга ҳам бошқа суиистеъмолчиликлар ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймайди.

Янги шароитда фуқаролар ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўлароқ англаб етишлари учун, биз ҳозирданоқ Президент Фармони талабларини тарғиб-ташвиқ қилишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Хусусан, ўтган ойлар мобайнида барча шаҳар ва туманларда корхона ва ташкилот раҳбарлари, бош ҳисобчилар ва жисмоний шахслар иштирокида семинарлар, "Давра суҳбатлари" ўтказдик. Бу тадбирларда уч ярим мингга яқин киши қатнашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Даромадларни оммавий равишда декларациялаш тизимининг мазмун-моҳияти, афзалликлари ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш мақсадида, шунингдек, маҳаллалар ва қишлоқ фуқаролари йиғинларида участка солиқ инспекторлари иштирокида мунтазам суҳбатлар уюштирилмоқда. Махсус жадвал асосида мутахассисларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишлари ташкил этилмоқда.

Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам икки ва ундан ортиқ даромад манбаига эга бўлган фуқаролар даромадини декларациялашда маълум тажриба тўпланган. 2001 йил мобайнида солиқ идораларида икки ва ундан ортиқ даромад манбаига эга бўлган 1669 нафар фуқаро рўйхатга олинган эди. Шу йилнинг 1 апрелигача улардан 1421 нафари ўз даромади ҳақида декларация тақдим этди. Ўз муддатида декларация тақдим этмаган 248 нафар фуқаро бўйича тўпланган маълумотлар эса қонуний чора кўриш учун вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасига юборилди.

Ҳуқуқбузарларга нисбатан бундай буён ҳам шафқат қилинмайди. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўнинчи сессиясида биринчи ўқишда Парламент томонидан қабул қилинган "Жисмоний шахслар томонидан жами йиллик даромадни декларациялаш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида ҳар бир фуқаро зиммасидаги бурч ва масъулият аниқ ифодалаб берилди. Муҳокама давомида лойиҳа яна ҳам сайқал топди. Унда жами даромад тўғрисида декларациялар тақдим этиш тартиби, декларация тақдим этувчи фуқаронинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тақдим этиладиган маълумотларнинг махфийлигига риоя этиш кафолати ва бошқа ҳолатлар ўз ифодасини топди. Шунга қарамай, уни яна ҳам пухталаш зарурлигини депутатлар таъкидлаб ўтдилар.

Муҳокама чоғида Президентимиз қонун лойиҳасини даромадлар устидан қўшимча назорат ўрнатувчи ҳужжат сифатида баҳоламаслик зарурлигини алоҳида уқтирди ва барча тараққий этган мамлакатларда фуқароларнинг даромадларини декларация қилиш тартиби мавжуд эканлигини эслатиб ўтди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, бу масаланинг ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, лойиҳани кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун қайта ишлаш давомида аҳолининг барча қатламлари фикрини ҳамда халқимизнинг менталитетини ҳисобга олиш лозим бўлади деб, ўйлаймиз.

**Абдуғулом МИРЗАЕВ,**
**Сурхондарё вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи.**


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ, ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ**

6 январь 2003 йил

*2003 йилда фойдаланишга топшириладиган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини замонавий мебеллар билан таъминлаш учун тендер савдоларида сотиб олинадиган*

**МЕБЕЛЛАР КЎРГАЗМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.**













Кўргазма ўтказиш манзили: Тошкент ш., Сирғали тумани, «Прикарпатская» кўчаси. Телефон: 58-46-35.

*Кўргазма ва тендер савдоларида ўз маҳсулотлари билан қатнашиш истагини билдирган корхона, ташкилот ва фирмалар раҳбарлари тижорат таклифларини қуйидаги манзилга юборишлари мумкин:*

**700078, Тошкент шаҳри, «Мустақиллик» майдони, 5-уй.**
**Телефонлар: 139-12-60, 139-12-61, факс: 139-16-48.**

*Сирғали политехника касб-ҳунар коллежи кўргазмалар залида жойлар пуллик бўлганлиги муносабати билан ҳисоб-тўлов варақаларини юқоридаги манзилдан олишингизни сўраймиз.*

**Эслатма: кўргазма ўз ишини 2003 йил 6 январь куни бошлайди.**

6652/2689






# Асосий қонун сабоғи

**Ҳуқуқий демократик давлатда ҳамма ҳаракатларимиз парламент яратган, халқ муҳокамасидан ўтган ва депутатларимиз томонидан қабул қилинган қонунлар воситасида тартибга солиб турилади. Бу қонунлар касб фаолиятига боғлиқ, муайян хизмат турига алоқадор бўлиши мумкин. Ўша қонунларни тушуниш, риоя қилиш учун битта калит бор. Бу — Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидир.**

**Конституцияни барча ёшдаги ватандошларимиз яхши билишлари керак. Айниқса, катта ҳаёт бошида турган ёш авлод, энг аввало, шу муҳим ҳужжатни юрак-юракдан англамоғи шарт. Ана шу заруратни назарда тутиб, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази журналист Шуҳрат Жабборовнинг илгари «Халқ сўзи» саҳифаларида эълон қилинган «Конституция сабоқлари» рисоласини китобча ҳолида чоп этди. Ушбу сабоқлар ғоятда самимий ва соддалиги, ёшу кексага тушунарли тилда баён этилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Асосий қонунимиз қабул қилинганлигининг 10 йиллиги нишонланган йилда ёруғлик юзини кўрган ушбу китобча ҳуқуқий билим ихлосмандларига маъқул бўлади деб, ўйлаймиз.**



# «Камалак-ТВ»: ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР БИЛАН ЎН ЙИЛ

«Камалак-ТВ» Ўзбек-Америка эфир-кабель телевидениеси қўшма корхонаси бугунги кунда дунё бўйлаб 24 та каналда 25 дан зиёд сунъий йўлдош орқали телевизион дастурларни кечаю кундуз намойиш этмоқда. Кўрсатувлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тиллари, яъни инглиз, рус, француз, шунингдек, немис, корейс ва бошқа тилларда олиб борилмоқда. Тармоқ эса жисмоний шахслар, корхона ва муассасалар, чет эл ваколатхоналари ва меҳмонхона мажмуаларидан иборат 27 минг абонентни қамраб олган.

Каналлар турлича гуруҳлаштирилган бўлиб, янгилик, илмий-оммабоп, мусиқа, спорт, фильм ва мультфильм каби кўрсатувлар дастурлари орқали телетомошабинларга тақдим этилади. Абонентларга қулай бўлиши учун Ўзбекистон телевидениеси дастурлари ҳам ана шу дастурлар мажмуига киритилган. Минглаб катталар ва болаларнинг «Камалак-ТВ» қўшма корхонасининг тиниқ рангли экранларига шу даражада ўрганиб қолганликлари, бу улар ҳаёт тарзининг муҳим ва ажралмас қисмига айлангани, барча қизиқарли ва муҳим янгиликларни ўз телевизорлари орқали кўриб, билиб боришга кўникиб қолганликларининг боиси шунда.

Қисқаси, мана ўн йилдирки, қўшма корхона ўзининг кўп минг сонли мижозларига қувонч улашиб келмоқда. 1992 йилнинг ёзида у Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг радио ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Американинг «Интернейшнл Телселл, Инк» компанияси иштирокида ташкил этилган пайтда, дастлаб бу ерда ишни йўлга қўйиш осон бўлмади. Чунки ўшанда кичик студия ва кабель телевидениеси тармоғи бошбошдоқлик билан кўпайиб, уйларнинг томлари ва пештоқларида «қўлбола» сунъий йўлдош телевизион антенналари пайдо бўла бошлаган эди. Умуман телевизион хизмат бозори тез ривожланиб борарди. Шундай пайтда уставига асосий фаолияти тури сифатида «аҳолига ва ташкилотларга телекоммуникация хизмати кўрсатиш» ёзиб қўйилган «Камалак-ТВ» қўшма корхонаси аҳолига нимани таклиф қилиши мумкин эди?

«Камалак-ТВ» корхонасининг муҳташам биносида бош директор Пўлат Умаров билан шулар хусусида суҳбатлашдик. Сўнгра мулоқотимиз сервис-марказ, лаборатория ва ишлаб чиқариш студиясида давом этди. Марказий Осиёда ягона, энг юксак телеминоранинг шундоққина «оёқлари» остидаги майдонда бир сафга тизилган гўзал ер антенналарини завқ билан томоша қилдик. Ниҳоят, унинг 216 метр баланд қисмида жойлашган студияга кўтарилдик. Пастга қарашга юрак дов бермайди, бош айланади. Пўлат Холматович эса: сўзини давом эттиради:

— Америкалик шерикларимиз билан шундай қарорга келдик: сифат ва сервис — айни истеъмол хизмати бозорига олиб чиқадиган воситалар. Уларни энг юқори, жаҳон андозалари билан тенглаша оладиган даражада бўлишига эришишимиз керак.

Шундай пайтда ишни телевидениедан бошладик. Океан ортидаги мамлакат вакиллари эфир-кабель телевидениеси учун замонавий техникалар, ускуна ва технологиялар етказиб берди. Республика Алоқа вазирлиги ҳамда унинг радио ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси зарур хоналарни ажратди, телеминорага юксак антенна ва узатгичларни жойлаштириш масалаларини ҳал этди ва бошқа кўплаб ташкилий ишларни бажаришга ёрдам берди. 1993 йилдан бошлаб эса дастлабки саккиз канал орқали намойишларни кўрсатиш ҳамда абонентларни «Камалак-ТВ» тармоғига улаш бошланди. Бунга биринчи бўлиб Тошкент шаҳридаги йирик меҳмонхоналар, элчихона ва чет эл ваколатхоналари рағбат билдирдилар. Уларнинг сафи кун сайин кенгайиб борди. Чунки ўша кезларда якка тартибдаги тармоқни маъқул кўрган томошабинлар жамоа бўлиб, табақалаштирилган тартибда уланиш зарурлигини тушуна бошладилар. Ҳозирда эса бизнинг кўплаб мижозларимиз айнан жамоа бўлиб тармоққа уланиш усулидан фойдаланишмоқда.

**— Афтидан, жамоа бўлиб уланишнинг хизмат ҳақи уларга манзур бўлган бўлса керакда?**

— Тўғри, якка тартибдагига нисбатан анча арзон. Умуман олганда, бизнинг хизмат ҳақимиз қиммат ҳисобланади. Сабаби — корхонамизда рентабеллик даражаси 10-15 фоизга тенг. Тармоқни ривожлантириш, яъни янги ускуналар харид қилиш, яроқсиз ҳолга келганларини алмаштириш учун катта миқдорда харажат қилишга тўғри келади. Чунки, уларнинг асосий қисми очиқ ҳавода жойлашган: ёғингарчилик, совуқ ёки иссиқ ҳаво у ёки бу даражада таъсир кўрсатади. Аммо бизда сервис хизмати шундай йўлга қўйилганки, тармоқдаги бузилишлар абонентнинг буюртмаси билан бевосита ёки 0-65 телефон рақами орқали зудлик билан бартараф этилади. Бу ишни махсус транспортга эга тезкор бригадалар бажаради:

**— Тармоққа уланиш учун мизождан нималар талаб қилинади?**

— Кўп нарса керак эмас. Абонентнинг аризаси бўлса, унинг уйидан телеминора кўриниб турса ва оралиқ масофа 70 километрдан ошмаса, бас. Тушунарли бўлиш учун айтиш жоизки, телеминора кўринмаслиги (орада баланд бино ёки бошқа тўсиқлар борлиги) сабабли, тармоққа уланишга рухсат бермаслик ҳолати учрамайди. Фақат айрим ҳоллардагина шундай бўлиши мумкин. Радиуснинг 60-70 километр бўлишининг боиси шундаки, бизнинг узатгичларимиз ўрнатилган телеминорадан айнан шунча масофага сигнал етиб бора олади ва теледастур яхши қабул қилинади, кўрсатув тиниқ бўлади. Навбат кутиш масаласига тўхталсак, тармоққа якка тартибда уланиш учун ускуналар етишмайди ва уларни буюртма қилиб, кутиш, бунинг учун маблағ излаб топиш лозим бўлади. Ускуналарнинг ҳаммаси хориждан, бунинг устига, валютага келтирилади. Дарвоқе, тарифлар ўсиб боришининг асосий сабабларидан бири ҳам шу. Бироқ, шундай бўлса-да, энг юксак сифат билан хизмат кўрсатиш сўзсиз таъминланади.

**— Пўлат Холматович, «Камалак-ТВ» 28-канал орқали Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали дастурини намойиш этади. Нима учун?**

— Шунинг учунки, кўплаб телетомошабинлар шундай истак билдиришди. Улар ушбу дастурни оддий хона антеннаси орқали қабул қилишлари мумкин эди, бироқ сифат масаласи талаб даражада эмас. Шу боис, ўзимизнинг қимматбаҳо ускуналаримизни улашга тўғри келди. Абонентларга қулай бўлиши учун 0-65 телефон рақами орқали буюртмаларни қабул қилиш умумшаҳар пунктини ҳам ташкил этдик. У ҳар куни, дам олишсиз ишлаб турибди. «Главпочтамт»-да эса абонентлик тўловлари қабул қилинадиган қўшимча пункт очилган бўлиб, у ҳам дам олиш кунисиз фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, «Камалак-ТВ» абонентларини автомат йўсинда хабардор қилиш тизими ҳам жорий қилинган.

**— Тармоқда ишлаётган мутахассислар ҳақида нима дея оласиз?**

— Бизда моҳир муҳандис ва техниклар, малакали ходимлар ишлашади. Уларнинг деярли барчаси Тошкентдаги ўқув муассасаларини битириб чиқишган. Техник ўқувлар, техник маҳоратни ошириш бўйича турли хил тадбирлар мунтазам ўтказиб турилади. Маркетинг хизмати ҳам яхши йўлга қўйилган. Шу орқали истеъмол талабини ўрганиб таҳлил қилиб борамиз, зарур бўлса, зудлик билан ўзгаришлар киритамиз.

**— Барча студияларни ва кабель телевидениеси тармоқларини «битта том остига тўплаш» йўли билан бу корхона телевидение хизмати соҳасида монополиячига айланмоқчи, деган гап ҳам чиққан эди...**

— Бу миш-мишдан бошқа нарса эмас. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 июлдаги «Частота спекторидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, телерадио дастурлари ва маълумотларни узатишни шакллантириш ва кенг ёйиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Камалак-ТВ» қўшма корхонаси Ўзбекистонда телерадио дастурларини тарқатиш тармоғини барпо этиш ва фойдаланиш юзасидан биринчилардан бўлиб лицензия олган. У ўз фаолияти давомида ана шу лицензия ва лицензиявий битимга қатъий амал қилиб келмоқда. Кўп сонли кабель телевидениеси студияларига ҳам шу йўлдан боришга, яъни давр талабига қараб иш юритишга тўғри келди. Майда кабель тармоқларини эса «Ўзбекистон кабель телевиденияси» акциядорлик жамияти ўзига бирлаштириб, рўйхатга олди. Устига устак, параболик антенналар сотилмоқда ва уланмоқда, бошқа хизмат турлари кўрсатилмоқда. Бу — соғлом рақобат, абонент учун кенг танлов имконияти, дегани. Бунга жавобан биз ўз ишимизни янада кучайтирдик. Жумладан, иншоотларни, кабель тармоқларини, антенна қурилмаларини асрашга эътибор қаратдик. Ахир уларнинг бузилиб, ишдан чиқиши, ўғирланиши, «қароқчилар»нинг суқилиб кириши ҳоллари ҳам учраб туради-да. Уларнинг ҳаммаси корхонамизнинг мураккаб ва қимматбаҳо мулки экан, барисининг даҳлсизлиги масаласига айнан қонун нуқтаи назаридан ёндошиши, ҳар қайсисини ҳимоя қилиш ва яроқли ҳолда бўлиши учун зарур чоралар кўриш керак. Бу борада милиция, суд органлари билан ҳамкорлик қиламиз, корхона мулкига зарар етказишга уринадиганларни топиб фош этамиз.

«Камалак-ТВ» тармоғига ноқонуний йўл билан уланиш мақсадида бозордан ва қўлдан махсус ясама ускуналарни сотиб олиш, уларни телевизорга монтаж қилиш, қўшма корхонамиз кодини очиш бизнинг ускуналармизни тўғридан-тўғри ўғирлаш ва қайта сотиш ҳисобланади. Бундай қинғир ишлар тезда аниқланиб, чора кўрилади. Тўғри булар, бизга кўпроқ зарар етказмоқда. Аммо биз абонентларни бундай нохуш ҳолларда ёлғиз қолдирмаймиз, ускуналарни топамиз ва кўрсатувларни тиклаймиз, яъни анчагина харажатга тушамиз.



Абонентларга ҳам осон тутиб бўлмайди.REPLACEME анчагина харажатга тушамиз. Абонентларга ҳам осон тутиб бўлмайди. Чунки улар бузғунчиларнинг таклифларига учиб, қонунни бузадилар ва оқибатда азият чекадилар. Масалан, рангли телевизорлари куйиб қолади, ҳатто жиноий хатти-ҳаракатларга ҳам шерик бўладилар.

Бизнинг бу борадаги асосий вазифаларимиздан бири — аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, сертификатланмаган маҳсулот ва хизматлардан фойдаланишнинг нохуш оқибатларидан хабардор қилишдан иборат. «Камалак-ТВ»нинг барча хизматлари сертификатланган бўлиб, энг жиддий талабларга ҳам жавоб беради, кафолатга ва бошқа ҳимоя усулларига эга. Бинобарин, истеъмолчилар ҳеч қандай ноқулайлик сезмайдилар.

**— Яна бир хизмат тури — пейжинг алоқаси, тўғрироғи, шахсий радиочақирув ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Шахсий радиочақирувни 1994 йилнинг апрелида Ўзбекистонда биринчи бўлиб «Камалак-ТВ» қўшма корхонаси тавсия этган. Ҳозир уяли алоқа билан бирга ушбу хизмат тури ҳам жуда оммалашди. У иш юзасидан ўзаро алоқаларда ва, умуман, шахсий алоқаларда, айниқса, самарали ва ўзини оқлади. Лекин, гапнинг очиғи дастлабки йилларда бу алоқа тури ўз истемолчиларига қийинчилик билан йўл топди. Чунки, ҳамма ҳам унинг афзалликларини тўғри баҳолай олмаслиги табиий эди. Шунга қарамай, кейинги беш йил давомида «Камалак-ТВ» 12 мингдан зиёд пейжер сотди. Самарқанд, Бухоро, Андижон, Фарғона, Наманган, Нукус шаҳарларида пейжинг алоқасининг олтита филиали очилди. Уларнинг кўпчилигида кечаю кундуз ишлаётган операторлар учун уч сонли серияли телефон рақамлари жорий этилди.

Тошкент шаҳрида эса, операторга маълумот узатиш учун 0-67 рақамини териш кифоя. Яқинда «Камалак-ТВ» қўшма корхонаси шахсий радиочақирув тизимининг Тошкентдаги оператори ўзининг савдо маркасини олди. «Турон Линк 0-67» позивнойи абонентлар учун жуда қулай. Чунки, унинг эсда қолиши осон.

**— Республика телекоммуникация бозорида ўз фаолиятининг биринчи ўн йиллигини нишонлаётган корхонанинг истиқболи қандай?**

— Тармоқни, жумладан, республика вилоятларида ҳам янада кенгайтириш, теледастурларни намойиш этиш сифатини яхшилаш устида қизғин иш юритамиз. Ҳозирданоқ хизмат сифатини юксак даражада сақлаш мақсадида асосий ускуналарни аста-секин янгилаб, амалдаги коллаштириш тизимини янги, кўп босқичли тизим билан алмаштириб бораяпмиз. Бу эса, каналларимизнинг мустаҳкам ҳимоясини таъминлайди. Дастурларни кўпайтиришни ва, табиийки, дастур берувчилар билан шартномалар тузишни мўлжаллаяпмиз. Хизмат савияси янада юқори бўлган ўз телевизион тизимимизни қурмоқчимиз. Мижозларимиз учун кутилмаган янгилик — хизмат ҳақи арзонлаштирилади. Бир сўз билан айтганда, «Камалак-ТВ»нинг режалари катта, уларни амалга оширишга ҳаракат қиламиз. Ишонамизки, бизнинг дастурларимизни ўн йилдан бери томоша қилиб келаётган телетомошабинлар бундан буён ҳам хизматимиздан миннатдор бўладилар.

**Анатолий КУДИНОВ.**

